



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОБИРЖОНОВ САНЖАР СОБИРЖОНОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Собиржонов Санжар Собиржонович Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш.....	3
Собиржонов Санжар Собиржонович Совершенствование управления деятельностью субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях либерализации экономики.....	27
Sobirjonov Sanjar Sobirjonovich Improving the management of small businesses and private entrepreneurship in the context of economic liberalization.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОБИРЖОНОВ САНЖАР СОБИРЖОНОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий бошқарув усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришиш ва самарали бошқарув механизмларини амалиётга жорий этиш «Engaging customers», «Optimising processes», «Transforming products and services», «Empowering employees»¹ дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, «Жанубий Кореяда 60 %, Польшада 51 %, Германияда 53 %, Нидерландияда 63 %ни»² ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ишловчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, ақли бошқарув усулларини жорий этиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш зарурияти, иқтисодий глобаллашув шароитида муаммонинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Жаҳонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда тежамкор технологияларни қўллаш, рақамли технологиялар орқали самарали бошқаришни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти инфратузилмасини комплекс ўрганиш, ходимларни мотивлаштиришнинг афзалликларига қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо, шуни эътироф этиш лозимки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда оқилона қарорлар қабул қилиш, иқтисодий-ижтимоий жараёнларни молиявий усуллар орқали рағбатлантириш, самарали бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантиришда энг қулай усуллардан фойдаланиш масалалари ханузгача долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда рақамли технологияларга асосланган конвейрларни жорий этиш, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар бир ёклама характерга эга эканлигига барҳам беришга, сифат бошқарувига асосланган тизимни жорий этишга, маҳсулот ишлаб чиқишда йўқотишларни камайтиришда юқори ишчанлик фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенгрок

¹ <https://www.singtel.com/business/articles/sme/4-benefits-digitalisation-smes>. 4 Benefits of Digitalisation for Small Businesses. 01 Feb. 2019.

² <https://uza.uz/ru/posts/maly-y-biznes-kak-osnovnoy-drayver-ekonomiki-sostoyanie-probl-25-12-2019>.

таъминлаш – олдимизда турган муҳим вазифадир», деб таъкидланган.³ Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини оширишда «Smart conrol» механизмдан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида», 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга доир масалаларда узок хориж мамлакатларининг қатор олим ва мутахассислари жумладан, Р.Кантильон, А.Тюрго, А.Смит, Д.Рикардо, Дж.С.Милл, Жан Батист Сей, Дж.М.Кейнс, М. Фридмен, И. Тюнен, Г. Манголд, Д. Шумпетер, Р. Кауза, А.Хоскинг ва К. Николаслар⁴ илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. 2017. 8 февраль. 28 (6722)-сон

⁴ Cantillon R. Essay sue la nature du commerce en general (1755) Пер с франц. Школенко Ю.А. Социум, 2003. С. 17., Тюрго А. Избранные экономические произведения. М., 1961. С. 17., Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М., 1962.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Соч. Т.1. М.: Госполитиздат, 1956.; Милл Дж.С. Основы политической экономии. Пер. с англ. Т.1. М.: Мысль, 1980., Сей Ж.-Б. Трактат политической экономии. М., 1986. С. 17., Кейнс Дж. М. Общая теория занятости и денег. М., 1978. С. 428., Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М., 1993.; Анкин А.В. Юность науки. М.: Политгиздат, 1971. История экономической мысли. М., 1998.; Фридмен М. Основы монетаризма. Под ред. Д.А.Козлова. М.: ТЕИС, 2002.175 с., Блоут М. Экономическая мысль в ретроспективе. М., 1994. С-426., Шумпетер Дж. Теория экономического развития. М., 1982. С.161., Кауз Р. Фирма, рынок и право. Пер. с англ. Б.Пинккера. М.: Дело, Catallaxu, 1993. С.192., Хоскинг А. Курс предпринимательства: Практическое пособие. М.: Международные отношения, 1993. 352 с., Сирополас Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей. Пер. с англ. М.: Дело, 1997. С. 72.

МДХ мамлакатлари олимларидан Л.Ф. Гилемханова, Ю.А. Запольских, Т.К. Гусейнова, С.В. Требова, П.С. Плешаков ва бошқалар кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва омилларини тадқиқ этган бўлсалар, О.В. Артемова, Н.М. Логачева, И.Ю. Нестеренко, В.М. Багинова, В.Г. Беломестнов Т. Саал, Т. Савенкова, В.Б. Дзобелова, А.В. Олисаева, С.Ю. Цёхла, Е.А. Полищук ва бошқалар⁵ бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш масалалари тадқиқиға эътибор қаратганлар.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг назарий ва амалий ривожи М.Ш. Шарифхўжаев, А. Ўлмасов, Қ.Х. Муфтайдинов, У.В. Ғафуров, П.Х. Абулқосимов, А. Қулматов, Ё. Абдуллаев, Ф.М. Каримов, Р.Х. Ходжаев, А.А. Фаттахов, Н.Қ. Йўлдошев, Ш.Ж. Эргашходжаева, Ш. Юлдашев, М.С. Қосимова, Б.К. Ғойибназаров, И.А. Бакиева, А.Н. Самадов, М.П. Эшов ва бошқа⁶ иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Юқоридики келтирилган олимларнинг аксарияти ўз тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини бошқаришга оид назарий қарашларни ифода этган. Аммо айнан кичик бизнес субъектлари фаолиятини эркинлик тамойиллари асосида самарали бошқариш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали бошқаришда

⁵ Гилемханова Л.Ф., Запольских Ю.А. Предпринимательский потенциал // Экономические науки. №46-2. 19.05.2016 - <https://novainfo.ru/article/6043>; Гусейнова Т.К. Инновационный потенциал – важнейшая составляющая экономического потенциала / В сборнике «Актуальные проблемы науки, экономики и образования XXI века». 2012. С.85-92. URL: <http://bgscience.ru/lib/10859/>; Требова С.В., Плешаков П.С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал). №9(17). 2012. –www.sisp.nkras.ru. С.5.; Артемова О.В., Логачева Н.М., Нестеренко И.Ю. Ресурсы для развития малого и среднего предпринимательства региона // Социум и власть. 2018. № 2 (70). С.48-55.; Багинова В.М., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе // Известия Иркутской государственной экономической академии. 2015. Т. 25. № 6. С.999-1003.; Саал Т., Савенкова Т. Экономический и инновационный потенциал малого бизнеса // Финансовая жизнь. М.: Академия менеджмента и бизнес-администрирования, 2014. С. 22-31.; Дзобелова В.Б., Олисаева А.В. Экономический потенциал малого предпринимательства Северо-Кавказского федерального округа // Фундаментальные исследования. 2015. № 2-26. С. 5864-5868; Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. Механизм формирования и развития потенциала малого предпринимательства в сфере создания новых рабочих мест на региональном рынке труда // Российское предпринимательство. 2017. Т. 18. № 17. С. 2587- 2598.

⁶Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Мехнат, 1995. 192-б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Дис. ... иқт. фан. д-ри. Т., 2004. 18 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Дис. авт. реф. ... иқт. фан. д-ри. Т., 2017. 30 б.; Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. 9-сон. 9 б.; Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат, 2010. 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Т.: Iqtisod-Moliya, 2008. 339 с.; А.Фаттахов. Бизнес маркетинги: Дарслик. Т.: Iqtisod-Moliya, 2007. 308 б.; Йўлдошев Н.Қ. Савдо тадбиркорлиги: Ўқув қўлланма Т.: TSEU, 2007.152 б.; М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма Т.: Иқтисодиёт, 2010. 275 б.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Iqtisod-Moliya, 2008. 105 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т., 2008. 365 б. Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш: Дис. ... иқт. фан. номз. Т., 2012.; Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши омиллар, натижалар ва истикболлар: Монография. Т.: Маънаият, 2017. – 80 б.

рақамли технологиялардан ҳамда «Ақли бошқарув» механизмларидан фойдаланиш йўллари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, АМ-ФЗ-201908169-сон «Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ёритиб бериш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолияти эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий асосларни таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни кўрсатиб бериш;

Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш;

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омилларни корреляцион регрессион таҳлил усулларидан фойдаланиш асосида тадқиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда «Smart control» бошқарув механизмларидан фойдаланиш йўллари баҳолаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятида ишчи-ҳодимларнинг меҳнат самарадорлигини баҳолаш мезонларидан фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, республикада фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бошқарув фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқариш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, корреляцион-регрессион таҳлил, таққослама ва тизимли таҳлил, иқтисодий-

математик моделлаштириш, статистик гуруҳлаш, анкета сўровлари, ташкилий-маъмурий, иқтисодий ва психологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиятини эннеаграмма тизими асосида бир вақтнинг ўзида уларнинг самарали фаолиятини чекловчи омилларни бартараф этган (аниқлаган) ҳолда, оптимал иқтисодий эркинлигига шарт-шароит яратиш негизида такомиллаштиришга асосланган;

ишлаб чиқариш жараёнида «ортиқча» меъёр, захира, ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари кабиларни иқтисодий жиҳатдан оптималлаштириш негизида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни кўшимча камайтириш имкониятлари асосланган;

раҳбар ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарув нуқтаи назаридан «меҳнат натижадорлиги» негизида тартибга солиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар томонидан маҳсулот сифати ва ҳажмини ортишининг муҳим ижтимоий-иқтисодий резерви сифатида асосланган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг («Kamol real biznes» МЧЖ, «Madina savdo belgisi» МЧЖ) ишлаб чиқариш фаолиятини 2021-2026 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари бошқарув самарадорлигини оширишни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигига тўскинлик қилувчи омиллар аниқланган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги йўқотишларни бартараф этиш услубиёти ишлаб чиқилган;

корхона фаолиятида иштирок этувчи субъектларнинг имкониятини баҳолаш, салоҳиятини юксалтириш ва моддий рағбатлантиришнинг самарали усули таклиф қилинган;

реал сектор корхоналари фаолиятида ходимларнинг меҳнат самарадорлигини баҳолашнинг пенталемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларни мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар расмий манбалардан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси маълумотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардан фойдаланганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги даражасини баҳолашнинг эннеаграммасини ишлаб чиқиш, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг махсулот ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш жараёнидаги йўқотишларини минималлаштиришда «Ақлли бошқарув» механизмини жорий этиш, раҳбар ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг мотивацион SSS-«Square» – вазифа-натижа, натижа-рағбат, рағбат-қониқиш модели ишлаб чиқиш ва республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бошқарув самарадорлигининг 2021-2026 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан ифодаланadi. Шунингдек, таклиф этилган тадқиқот усуллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш», «Тадбиркорлик асослари», «Бизнесни бошқариш», «Реал сектор иқтисодиёти» фанларидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиятини эннеаграмма тизими асосида такомиллаштириш бўйича таклифлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 31 мартдаги 11/03-15-2556-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга эришилган;

ишлаб чиқариш жараёнида «ортиқча» меъёр, захира, ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари кабиларни иқтисодий жиҳатдан оптималлаштириш бўйича таклифлари Савдо-саноат палатасининг таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 31 мартдаги 11/03-15-2556-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни 1,9 % камайтириш ва махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 18,3 фоизга оширилишига эришилган;

раҳбар ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарув нуқтаи-назаридан «меҳнат натижадорлиги» негизида тартибга солиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар томонидан махсулот сифати ва ҳажмини орттиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий резерви бўйича таклифлар Савдо-саноат палатасининг таркибига кирувчи тадбиркорлик

субъектлари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 31 мартдаги 11/03-15-2556-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ходимларнинг меҳнат натижадорлиги 17,2 фоизга ошган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини 2021-2026 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари бошқарув самарадорлигини оширишни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлар «Kamol real biznes» МЧЖ ва «Madina savdo belgisi» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси 2021 йил 31 мартдаги 11/03-15-2556-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан «Kamol real biznes» ва «Madina savdo belgisi» МЧЖ фаолиятини самарали бошқариш бўйича «Чора-тадбирлар режаси» ҳамда «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола (шундан нуфузли хорижий журналларда 4 та) эълон қилинган. Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг мавзусини долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва предмети аниқ белгиланган, илмий тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кенг баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, уларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришнинг назарий асослари**», деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришга оид назарий қарашлар, субъектлар фаолиятини бошқаришда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш йўллари ва тартибга солишнинг ҳуқуқий зарурияти ўрганилган, таснифланган, вужудга келиши ва ривожланиши, унга хос бўлган асосий тенденциялар аниқланган.

Бошқарув тамойилининг моҳияти шундаки, ҳар қандай корxonанинг олий мақсадга эришишида ундан фойдаланиш устувор аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, биз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга оид олимларнинг назарий қарашларида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда қандай тамойилларга эътибор қаратилганлиги тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, тегишли жадвал кўринишида ифодаланган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодчи олимларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарувга оид қарашлари⁷

Бошқарув назарий таълимотларининг амалиётда фойдаланганлик даври	Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш таълимоти намўнадалари	Бошқарув тамойиллари	Қайси йилга тегишлилиги
Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий йўналтирилган бозор тизимига босқичма-босқич ўтиш даври	А.Улмасов М.Шарифходжаев	Яратувчанлик Бозорни бошқариш	1991- 2021
	К.Муфтайдинов	Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги	
	У.В. Ғофуров	Давлат томонидан тартибга солиш	
	П.Абдулқосимов А.Қулматов	Қонуний ҳимояланганлик	
	С.Собиржонов	Ўзгарувчан муҳитга мослашиш Интенсив бошқариш Янгилик билан юришга қодир бўлиш	

⁷ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвалдан хулоса киладиган бўлсак, иқтисодчи олимлардан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар «Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилidir»⁸ деб таъкидлайдилар. Яъни, тадбиркорлик фаолияти бу даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият саналиб, агар у мунтазам равишда фаоллашмаса, иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асосладилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътибор беришни лозим деб ҳисоблашди.

Фикримизча, А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришда раҳбардан алоҳида новаторлик қобилиятининг талаб қилинишини, тадбиркор келгусида бозорни бошқаришни энг муҳим жиҳат сифатида қабул қилиши зарурлигини назарда тутишган. Ҳозирги кун бозор талаби ҳам инсонлар эҳтиёжи учун арзон ва сифатли барча талабларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат бўлмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари моҳиятини очишда Қ.Муфтайдинов «Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятини ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маҳовик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди»⁹ дея таъкидлаб ўтди. Бундан тушунишимиз мумкинки, Қ.Муфтайдинов тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда узлуксиз ишлаб чиқариш тамойилига алоҳида эътибор қаратишни муҳим санаган. Ушбу тамойилнинг долзарблик жиҳати истеъмол бозорларида товарларнинг ҳаётийлик даври қисқалиги, бозорда узок вақт ўз ўрнига эга бўла олмаётганлиги билан тавсифланади.

Иқтисодчи У.В.Ғафуров «Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб борилиши лозим»¹⁰ деб таъкидлаб ўтган. Мазкур ёндашувнинг моҳиятига юзланадиган бўлсак, У.В.Ғафуров тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишда бевосита давлат иштирокининг бўлишини, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда давлатнинг маълум бир воситалар орқали тартибга солишига эътибор қаратилишига тўхталган.

Ҳ.Абулқосимов ва А.Кулматовлар эса тадбиркорликни «Қонун йўли билан ман қилинмаган иқтисодий унумли фаолият тури»¹¹ деб таъриф бериб ўтди. Унга кўра, тадбиркор қонун доирасидан чеккага чиқмаган ҳолда фаолият олиб бориши назарда тутилган. Демак, тадбиркорнинг қонуний фаолият юритиши, қонун нуктаи назаридан, ҳимояланиш даражасини кафолатлаб беради.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шуни айтиш

⁸ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Мехнат, 1995. 192 б.

⁹ Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Дис. авт. реф... икт. фан. д-ри. Т., 2004. 18 б.

¹⁰ Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: Дис. авт. реф... икт. фан. д-ри. Т., 2017. 30 б.

¹¹ Абулқосимов П., Кулматов А. Тадбиркорлик сермашаккат фаолият // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. 9-сон. 9 б.


мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш бугунги пандемия шароитида тадбиркорларнинг олдига қўядиган вазифаларини ҳам ўз-ўзидан ўзгартиришини, яъни муҳитга қараб эгиловчан ҳамда мослашувчан қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Юқорида олимлар томонидан келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, тадбиркор тушунчасига қўйидагича таъриф бериш ўринли деб топилди. Тадбиркор бу «Таваккалчилик асосида иқтисодий фаолият юритадиган, ўзгарувчан муҳитга тез мослашувчи, ўзгалар манфаати учун беихтиёр ҳаракат қилувчи ва янгилик билан юришга қодир жисмоний ҳамда юридик шахсдир».

Диссертациянинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришнинг амалий ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида дастлаб, республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили, «Kamol real biznes» ва «Madina savdo belgisi» МЧЖларнинг эконометрик моделлар орқали баҳолаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда эркинлик тамойилларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили келтириб ўтилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида самарали бошқарувни ташкил этиш, мавжуд имконият ва кутилиши лозим бўлган ҳолатларни тўғри баҳолаш учун хорижий экспертлар гуруҳи маълумотларига таянган ҳолда қўйидаги хулосаларни бериш мумкин.

Бизнес юритиш эркинлиги бўйича Ўзбекистон дунёнинг 190 та мамлакати ичида 157-уринда турганлигини эътироф этишлик мавзунинг нақадар долзарб эканлигини аниқлатади. Шунингдек, қўшни давлатлардаги ҳолат билан таққосланса, Ўзбекистон Қозоғистон, ва Қирғизистондан кейинги ўринларда турибди (1-расм).



1-расм. Heritage Foundation томонидан бизнес юритиш эркинлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси¹²

¹² «Heritage Foundation» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Халқаро рейтинг поғонасида юкори турувчи давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада кулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини кискартириш, соддалаштириш, очик-ойдинлик ва ошкоралик сиёсати хусусидаги ислохотларни давом эттириш жуда зарур. Таъкидланганидек, Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида тадбиркорлик фаолияти эркинлиги бўйича яхши позицияга эга бўла олмапти. Шунга мувофиқ, республиканинг қатор вилоят ва шаҳарларида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига таъсир кўрсатувчи омиллар сўровнома асносида тахлилий ўрганилди. Ўтказилган сўровномада ҳар бир вилоят ва шаҳардан 20 тадан тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Респондентлар томонидан берилган хулосаларга мувофиқ куйидаги тахлилий натижалар олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали бошқаришни баҳолаш натижалари (фоизда)¹³

№	Йуналиш	Тошкент шаҳри		Самарканд вилояти		Қашқадарё вилояти	
		Муаммо	Муаммосиз	Муаммо	Муаммосиз	Муаммо	Муаммосиз
1	Инфратузилмавий ҳолатлар	37,5	62,5	61,9	38,1	65,6	34,4
2	Лицензия ва рухсатномалар билан боғлиқ ҳолатлар	21,7	78,3	48,3	51,7	60,0	40,0
3	Ташки иктисодий фаолият билан боғлиқ ҳолатлар	22,5	77,5	35,8	64,2	46,7	53,3
4	Банк билан боғлиқ ҳолатлар	16,4	83,6	30,0	70,0	45,7	54,3
5	Ноқонуний аралашув билан боғлиқ ҳолатлар	8,5	91,5	10,0	90,0	17,5	82,5
6	Молия ва ҳисоб билан боғлиқ ҳолатлар	6,3	93,7	12,5	87,5	12,5	87,5
7	Ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатлар	58,3	41,7	66,6	33,4	66,9	33,1
8	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги муаммолар билан боғлиқ ҳолатлар	0	100,0	0	100,0	0	100,0
9	Тадбиркорларнинг самарали фаолият олиб боришида рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати	74,0	26,0	84,0	16,0	86,0	14,0

Қониқарсиз


Қониқарли

Яхши

¹³ Тадиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган жадвалда таҳлил этилиши лозим бўлган ҳолатлар шундан иборатки, энг муаммоли ҳолатлар вилоятлар кесимида инфратузилмавий (Самарқанд вилояти 61,9 %, Қашқадарё вилояти 65,6 %), ташқи иқтисодий фаолият (Самарқанд вилояти 35,8 %, Қашқадарё вилояти 46,7 %), ўқув курслар тренинг, мастер классларда иштирок этиш (Самарқанд в. 66,6 %, Қашқадарё вилояти 66,9 %) ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш борасида (Самарқанд вилояти 84 %, Қашқадарё вилояти 86 %) кўзга ташланмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу йўналишларда вазият ижобий ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

Юқорида санаб утилган барча муаммовий ҳолатларнинг бир-бири билан боғлиқлигини эннеаграмма орқали ифодалаш таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолияти бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг эннеаграммаси¹⁴

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолияти эркинлигини баҳолашнинг эннеаграммаси орқали келтирилган омилларнинг бир-бирига таъсир доираси ўрганилди. Унга кўра, инфратузилмавий омил ноконуний аралашув билан боғлиқ, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муаммолар молиявий ва ҳисоб билан боғлиқ, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги муаммолар асосан банк билан боғлиқ бўлмоқда. Ўқув курслар, тренинг ва мастер классларда иштирок этмаслик тадбиркорларнинг самарали фаолият олиб боришида рақамли технологиялардан фойдаланишда муаммовий ҳолатни юзага келтираётганлигини ифодаладик.

¹⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур омилларнинг бир-бирига боғлиқлигини урганиш иктисодий жихатдан қатор имкониятларни ошириш ҳамда муаммоларни бартараф этиш имконини яратиб беради. Жумладан, ҳудудлардаги инфратузилмавий шароитларнинг яхшиланишига, рақамли технологиялардан фойдаланишнинг оширилишига, тадбиркорларнинг ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этишини таъминлашга эришилади. Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келади.

Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича респондентларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

тадбиркор томонидан яратиладиган инфратузилманинг бир қисмини давлат томонидан компенсация қўрилишида тўлаб бериш механизмини яратиш;

амалдаги лицензия олиш ва рухсатнома бериш жараёнлари соддалаштирилиб, тегишли идораларни хабардор қилиш ёки фаолиятни қайд этиш тизимини яратиш;

инвесторларни излаб топишнинг онлайн платформа тизимини такомиллаштириш;

кредит маблағини ихтиёрий тегишли манзил бўйича йўналтириш имкониятини чегаралаб қўйилмаслигини олдини олиш учун эркин рақобат муҳитини таъминлаб бериш;

тадбиркорга солиқ органини жарималаш ваколатини бериш ҳамда давлат бюджетига ортиқча тўланган солиқлар солиқ тўловчиларга қайтарилиши кечиктирилган тақдирда солиқ органлари қайтарилган маблағларни пеняси билан тадбиркорларга қайтариш тизимини такомиллаштириш ва х.к.лар.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий муаммолари урганилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштиришда давлатнинг ролини ошириш йўллари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда «Ақлли бошқарув»нинг аҳамияти ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш истикболлари ўз ифодасини топган.

Биламизки, корхона фаолиятининг эртанги ривожланиш босқичларига тайёргарлик даражаси бевосита уларнинг корхонадаги йўқотишларга қай даражада эътибор қаратилаётганлигига боғлиқ бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, ҳозирда республикамиздаги корхоналар фаолияти «Ақлли бошқарув» механизмлари асосида таҳлил этилганда қуйидаги камчилик ва йўқотишлар аниқланди (3-расм).



3-расм. Корхоналар фаолиятидаги мавжуд йўқотишлар ва камчиликларни баҳолаш натижалари¹⁵

3-расмга мувофиқ кўрсаткичнинг 30 %и яроқсиз маҳсулотларга, 17 %и эса ортиқча захираларга тўғри келаётганлиги самарали бошқарув тизимининг йўлга қўйилмаганлигини намоён этмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйида келтирилган «Ақлли бошқарув» механизми таклиф этилди (4-расм).



4-расм. «Ақлли бошқарув» механизми¹⁶

Юқорида таклиф сифатида келтирилган «Ақлли бошқарув» механизми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қўлланилмаган ҳолатдаги йўқотишларни ифодалайди. Мазкур механизми корхоналарда бошқарув самарадорлигини такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Хусусан, корхона айланма маблағларини кўпайтиришга, харажатларни камайтиришга, қисқа вақт ичида харидорнинг

¹⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁶ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

талабига мослашувчан ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишга, маҳсулотларни ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб беришга, сифатни оширишга, захираларни қисқартиришга, технологияларни ишламай қолишини олдини олиш ва ишлаб чиқариш майдонини қисқартиришга олиб келади.

Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида диссертацияда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

ягона ишлаб чиқариш тизимини яратиш, буюртмаларга қараб маҳсулотларни кичик партияларда ишлаб чиқариш ҳамда усқунани қайта ишга тушириш вақтини қисқартириш;

ишлаб чиқариш режасига мувофиқ, харидлар режасини мувозанатлаштириш, етказиб беришда узилишларни инобатга олган ҳолда ишлаш, барча операцияларни амалга оширишда тизимли ягона ишлаб чиқариш оқимини яратиш ва буюртмаларни эътиборга олган ҳолда маҳсулотларнинг кичик партияларини ишлаб чиқариш;

ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичлари ишловчилар томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши, ишлаб чиқаришнинг барча операциялари учун стандарт ишлаб чиқиш, хом-ашё етказиб берувчилар билан иш олиб боришда юқори сифатни таъминлаш ва мавжуд усқуналарга техник хизмат кўрсатишдаги зарурий сифатни таъминлаш;

усқунанинг жойлашиш ҳолатини оптималлаштириш ва оқилона ишлаб чиқариш оқими ва хом ашёни етказиб бериш тизимини яратиш;

барча ишлаб чиқариш операцияларини таҳлил қилиш ва бажариладиган ҳар бир операция учун аниқ стандартлар ишлаб чиқиш, ходимларнинг малакасини ошириш, барча тоифадаги ишловчиларга иш вақтини тўғри ташкил этиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш бўйича тренинглар ўтказиш;


мижозларнинг ҳақиқий талабларини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, барча ишлаб чиқариш операцияларини ўрганиш ва оптималлаштириш ҳамда маҳсулотга аниқ талаб ва ишлаб чиқариш стандартларини ишлаб чиқиш;

барча операцияларда ўзаро мувозанатлаштирилган ягона ишлаб чиқариш оқимини яратиш, хом-ашё етказиб берувчилар билан боғлиқ узилишларни бартараф этадиган тизим асосида ишлаш, аниқ ички алоқа схемаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, усқуналар фаолиятини ўз вақтида текшириб бориш ва усқуналарни тезкор созлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тадқиқот натижалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қатлами вакилларининг замонавий мотивацион усуллардан фойдаланишда ишчи ходимларни тўғри ва самарали рағбатлантириш орқали корxonанинг юқори фойда олишини таъминлашнинг зарурлигини инобатга олган ҳолда, креатив

ва инновацион йўсинда фойдаланишликнинг долзарб эканлигини кўрсатиб ўтади.

Раҳбар ва ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларда устунлик жиҳатларини таклиф сифатида келтириб ўтаётган ёндашувларимизда мотивлаштиришнинг SSS (Square) моделини А ҳудуд - В:Н; Б ҳудуд - Н:Р; С ҳудуд - Р:Қ=М ушбу боғланишларини қуйидаги 5-расмда ифодалашга ҳаракат қилдик.



5-расм. Мотивлаштиришнинг SSS (Square) модели¹⁷

Мотивлаштиришнинг вазифаси-натижа кўрсаткичида раҳбар барча вазиятларга ўз нуқтаи назаридан ёндашади, натижада мақсад бир ёклама характерга эга эканлиги билан ифодаланади. Шунингдек, раҳбар томонидан ходимларга фаолияти юзасидан вазифалар юклатилади ва улардан фақат натижа кутилади, ходимларга нисбатан бирон-бир молиявий дастак чоралари қўлланилмайди. Корхонада ходимлар эҳтиёжи ва қизиқишлари четлаб ўтилади ва асосан раҳбарларнинг қизиқишлари инobatта олинган ҳолда таъсир ўтказилади.

Мотивлаштиришнинг натижа-рағбат кўрсаткичида ходимлар бажарётган юкласига мувофиқ, раҳбар томонидан рағбатлантирилади. Мотивлаштиришнинг ушбу кўрсаткичида ходимларнинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлари корхона учун бирламчи омил саналиб, бўйсунувчилар томонидан белгиланган вазифалар бажарилади ва ушбу вазифалардан кутиладиган натижаларга қараб рағбатлантириш мезони асосида баҳоланади.

Мотивлаштиришнинг рағбат-қониқиш кўрсаткичи ходимларнинг ютуқларга эришиши, ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ишдан қониқиши, меҳнат унумдорлигини ошириши, ходимлар ўртасида рақобатни кучайтириши, ишга нисбатан юқори масъулият билан ёндашиши, ижодий ва хизмат доирасида ўсиш имкониятини ошириши, иш жойида бирдамлик руҳи ва муштараклик туйғусини яратиши, ҳар иккала томонларнинг ҳам ўз-ўзини мукаммаллаштириб бориши учун хизмат қилади.

¹⁷ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Биз томонимиздан энг мукобил таклиф сифатида эътироф этилаётган мотивлаштиришнинг рағбат ва қониқиш кўрсаткичида раҳбар ўз ходимлари кўрсатган натижадан қониқади, бўйсунувчилар эса корхона раҳбарлари томонидан берилаётган рағбатлардан қониқади. Бу тизимнинг афзаллик жиҳатларидан бири тескари ҳамда қайта алоқалар тўғри йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Корхона раҳбари томонидан чиқарилаётган қарорларнинг ижроси ўз вақтида таъминланади.

